

ЎЗБЕКИСТОН - ШХТ ҲАМКОРЛИГИДА «ЮМШОҚ КУЧ» МАСАЛАЛАРИ

Рахматулла Нуриμβетов
с.ф.ф.д (PhD)

Тошкент давлат шарқишунослик университети тадқиқотчиси

E-mail: n.rakhmatulla1977@gmail.com

Аннотация. Мақолада Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) билан маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги, ташкилот доирасида асосий ташаббуслари, хусусан, халқ дипломатия институтининг шаклланиши ва ривожланишига қўшаётган ҳиссаси ёритилган. ШХТнинг “юмшоқ куч” соҳасидаги ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган, истикболда маданий-гуманитар ҳамкорликни кучайтиришга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши асослаб берилган.

Калит сўзлар ва иборалар: Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, “юмшоқ куч”, маданий-гуманитар алоқалар, “шанхай руҳи”, ўзаро ишонч ва ҳурмат.

Аннотация: В статье рассмотрены особенности сотрудничества Узбекистана с ШОС культурно-гуманитарной сфере, ключевые инициативы республики в данной области, в частности, по формированию и развитию институтов народной дипломатии. Сделан анализ специфических особенностей «мягкой силы» ШОС, обоснован рост востребованности на развитие культурно-гуманитарного сотрудничества в рамках организации в будущем.

Опорные слова и понятия: Шанхайская организация сотрудничества, мягкая сила, культурно-гуманитарные связи, “шанхайский дух”, взаимное доверие и уважение.

Abstract: The article explores the main aspects of cooperation between Uzbekistan and the SCO in the cultural and humanitarian field, as well as the key initiatives of the republic in this area, in particular, on the formation and development of institutions of public diplomacy. An analysis of the specific features of the SCO’s “soft power” is made, and the growing demand for further deepening of cultural and humanitarian cooperation within the organization in the future is substantiated.

Key words: The Shanghai Cooperation Organization, soft power, cultural and humanitarian ties, shanghai spirit, mutual trust and respect.

Замонавий халқаро муносабатлар назариясида ва амалиётида давлатлар, халқаро ва ноҳукумат ташкилотлар томонидан “юмшоқ куч” сиёсатини юритиш масаласига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бугунги ташқи сиёсат ва умуман халқаро ҳамкорликни “юмшоқ куч” воситаларисиз тасаввур қилиш мушкул.

Маълумки, “юмшоқ куч” тушунчаси ва назарияси америкалик таниқли сиёсатшунос олим Жозеф Найга таалуқли. Унга кўра, “юмшоқ куч” учта асосий устунга таянади, булар: маданият, яъни муайян маданиятнинг бошқа мамлакатлар ва уларнинг жамияти учун жозибадорлиги; сиёсий қадриятлар, яъни муайян давлатлар ва жамиятлардаги сиёсий-ижтимоий қадриятларнинг бошқа мамлакатлар ва халқлар ҳаётида ҳам амал қилиши; муайян давлат юритадиган ташқи сиёсатнинг бошқа мамлакатларда амал қилиши учун “ахлоқий” асосларга эгаллиги.¹ Қисқача ва оддийроқ қилиб таъриф берилса, “юмшоқ куч” - маданий ва гуманитар омиллардан ташқи сиёсий манфаатларни ва мақсадларни илгари суришда моҳирона фойдаланиш усули, дейишимиз мумкин.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўзининг илк даврларида асосий эътиборни Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда минтақада кўптомонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратган. Унинг фаолият доирасининг кенгайиб бориши, жумладан, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги сиёсий даражада ўзаро ишончнинг мустаҳкамланиши ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг фаоллашуви кўпқиррали ҳамкорликнинг “учинчи саватчаси” ҳисобланган маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларнинг ривожланишига ижобий шарт-шароитлар яратиб бермоқда.

Кўплаб ташкилотлар ва умуман давлатлараро ҳамкорлик тажрибаси шуни кўрсатадики, маданий ва гуманитар йўналишлардаги масалалар юзасидан бошқа, хусусан, сиёсий, хавфсизлик ва иқтисодий мавзулар атрофидаги муаммолар бўйича мунозаралар ва келишмовчиликлар кам учрайди. Лекин, агар ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида бу борада тарихий, маданий ёки диний тафовутлар кучли бўлса, ушбу масалалар яқинлаштирувчи эмас, балки жиддий тўсиққа айланишини ҳам мумкин.²

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг таъсисчи давлатлари бу йўналишнинг кўптомонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этишини аввалдан яхши билишган. Шу сабаб, ШХТ Хартиясининг 3-моддасида фан, техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида қайд этилади.³

Шанхай ҳамкорлик ташкилотида маданий-гуманитар ҳамкорлик ўзига хослиги билан ажралиб туради. Дунёнинг бошқа кўплаб минтақаларида шаклланган ташкилотлар ва ҳамкорлик механизмларидан фарқли ўлароқ, ШХТ маданий, диний ёки цивилизациявий умумийлик асосида шаклланмаган ташкилот. У ислом, христиан, конфуцийлик ва ҳиндуизм динларига таяниб инсоният

¹Nye J.S., Jr. Soft Power: The Means to Success in World Politics. N.Y.: Public Affairs, 2004.-192 p.

² Р. Айтбаева, Н. Касимова. Гуманитарное сотрудничество стран ШОС. Журнал CONCORDE, 2018, N 2. С.83-88.

³Қаранг: Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Хартияси // <https://lex.uz/docs/2055981?ONDATE2=13.05.2008&action=compare>

тарихида муҳим роль ўйнаган цивилизациялар вакиллари бўлган мамлакатлардан таркиб топган. Шу сабабдан ҳам ШХТ Хартияси ишлаб чиқилганида “маданиятлар хилма-хиллигига ҳурмат” “Шанхай руҳи”нинг асосий тамойилларидан бири сифатида қайд этилгани бежис эмас. Бу, фикримизча, таъсисчи давлатлар маданий ва цивилизациявий тафовут келгусида ташкилот ичида бу асосда жиддий келишмовчиликлар ёки бўлмаса маданий тафовутлар ШХТички бирлигига қарши қўлланишининг олдини олиш учун бўлган доно ва узоқни кўзлаган қадам бўлган.

“Юмшоқ куч” тамойили ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқларда фарқли сиёсий ва фалсафий моҳият касб этади. Унинг ғоявий доктринаси ҳисобланган “Шанхай руҳи”да ўз ифодасини топган бўлиб, иштирокчи мамлакатларнинг халқлари ўртасида маданий, гуманитар ва маънавий соҳалардаги ўзаро кенг алмашинувларни, ҳар бирининг маданияти билан танишувни ҳамда уларнинг тарихий-маданиятининг ўзига хос хусусиятларига ҳурмат билан муносабатини назарда тутди. Қолаверса, қадимги Буюк Ипак йўли орқали минг йиллар давомида шаклланган ва бир-бирини бойитган алоқалар, барқарор сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, ўзаро тенглик ва манфаатдорликка асосланган, мафкуравий ва геосиёсий моҳиятдан ҳоли бўлган ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қаратилган ҳамкорлик ШХТнинг маданий-гуманитар кун тартибини ишлаб чиқишга ва кенгайтиришга хизмат қилмоқда.⁴ Бизнингча ҳам, ташкилотнинг “юмшоқ куч” йўналишидаги фаолиятини айнан қандайдир мафкуравий-сиёсий ва геосиёсий мақад ва вазифалардан йироқ бўлган маданий-гуманитар ҳамкорлик ташкил этади.

Ташкилотда маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик анча фаол бошланган. Унга аъзо давлатлар маданият вазирлари йиғилиши 2002 йилдаёқ, яъни тузилма шаклланганидан бир йилдан кейин, Пекин шаҳрида ўтказилган ва шундан эътиборан доимий тус олган. Мазкур йўналишдаги ҳамкорликнинг анча фаол бошланганини ҳатто ШХТни кўпроқ танқидий жиҳатдан ўрганган америкалик олим С.Арис ҳам таъкидлайди.⁵

Буни ташкилотнинг маданият, фан, таълим, техника, соғлиқни сақлаш, ёшлар ва бошқа гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигининг норматив-ҳуқуқий асослари ҳамда ишчи механизмларининг тез орада шаклланганлиги, шунингдек, мазкур йўналишларда мунтазам тадбирларнинг ўтказилиши яхши анъанага айланганлиги тасдиқлайди.

Гуманитар соҳада ШХТ доирасида илк норматив ҳужжат таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бўлиб, у 2006 йилда қабул қилинган.

⁴ Ши Дандань. Культурная дипломатия КНР в рамках ШОС (2001–2020 ГГ.). Исторические и психолого-педагогические науки : сб. науч. статей. - Минск : РИВШ, 2021. - С. 94-103. - (Научные труды Республиканского института высшей школы; Вып. 21, ч. 3 : Исторические науки. Педагогические науки). // <https://elib.bsu.by/handle/123456789/272007>

⁵Stephen Aris. Russian-Chinese Relations through the Lens of the SCO "Russie.Nei.Visions", No. 34, September 2008. <https://www.ifri.org/en/publications/notes-de-lifri/russieneivisions/russian-chinese-relations-through-lens-sco>

Кейинчалик, маданият (2007), соғлиқни сақлаш (2011 йил), фан ва техника (2013), жисмоний тарбия ва спорт (2018), туризм (2022) йўналишларида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномлар, шунингдек бошқа ҳужжатлар, меморандумлар ва дастурлар қабул қилинган. Шунингдек, 2007 йилдан бўён ШХТнинг Ёшлар форуми, 2007 йилда эса ШХТ университети⁶ фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Шу билан бирга, ташкилот шафелигида мунтазам равишда маданият, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, ёшлар, хотин-қизлар фаолиятига тааллуқли йирик тадбирлар ташкиллаштириб борилади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотида шаклланган норматив-институционал база ва амалий ҳамкорлик тажрибаси ҳар бир аъзо давлат томонидан, айниқса маданий-гуманитар соҳаларда кўплаб қўшма тадбирлар, форумлар, анжуманлар, фестиваллар ва шу каби тадбирларни ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ва уларни амалга ошириш имконини беради. Бунда айниқса аъзо давлатлар ташкилотга раислиги давридаги ташаббускорлиги ва фаоллиги катта аҳамият касб этади. Мана шундай тажриба ва амалиётнинг мавжудлиги мамлакатларга ўз миллий маданияти, тарихи, урф-одатлари, гастрономияси ва туристик салоҳиятини тарғиб қилиш орқали маданиятлараро алманишувга жуда муҳим ҳисса қўшиб келади.

Бошқа устувор йўналишлар каби маданий-гуманитар масалаларга ҳам Ўзбекистоннинг ШХТ доирасидаги муносабати 2017 йилдан жиддий фаоллашди. Бу мамлакатимизнинг, бир томондан, ташқи сиёсатда “юмшоқ куч” воситаларига эътиборнинг кучайиши⁷, бошқа томондан, умуман ШХТ билан ҳамкорлик масалаларига бўлган муносабатнинг ўзгариши билан белгиланади. Тарих фанлари доктори, профессор Д.Б.Сайфуллаев таъкидалаганидек, 2017 йилда бошланган Ўзбекистоннинг энг янги тарихининг янги даври ШХТ доирасида маданий алоқаларни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди.⁸ Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ШХТнинг 2017 йилда Остонада бўлиб ўтган давлат раҳбарларининг учрашувида ташкилот фаолиятида халқ дипломатияси институтлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш таклифини баён этган эди.

Ўзбекистон раҳбарининг бу масалага эътибор қаратиши бежиз эмас. Ушбу йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган талаб бир қатор омилларга боғлиқ.

⁶ ШХТ Университети Россия ташаббуси билан ташкилотга аъзо мамлакатлар таълим муассасаларининг инновацион ҳамкорлик тармоғи сифатида тузилган. Университет ҳузурида муайян йўналишлар бўйича “бош университетлар” рўйхати шаклланган ва уларда “Минтақашануолик”, “Экология”, “Ахборот технологиялари”, “Энергетика”, “Нанотехнологиялар” факультетлари таъсис этилган.

⁷Таджиев Ш. (2023). «Мягкая сила» во внешней политике Республики Узбекистан на современном этапе. in Library, 3(3), 3–237. <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/24084>

⁸Сайфуллаев Д.Б. Узбекистан-ШОС: тенденции развития многосторонней культурной дипломатии. “Uzbekistan-China: development of cultural, historical, scientific and economic relations”. VOLUME 1 | SPECIAL ISSUE 1. С.701-706.

Биринчидан, халқ дипломатияси воситаларидан фойдаланиш минтақа давлатларининг барқарор ва изчил ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, ШХТ мамлакатларининг ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик, миллатлараро тотувлик руҳини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти институтларини минтақадаги интеграция жараёнларига фаол жалб этиш ҳамкорлик салоҳиятини бойитади ва самарали ҳамкорлик учун янги йўналишларни очади.

Учинчидан, ШХТ доирасидаги халқ дипломатияси дунё мамлакатлари менталитетини англаш учун яхши асос бўлади. Яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, ШХТ маконида яшовчи халқлар манфаатлари йўлида маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш, маданий хилма-хилликни сақлаш ва тарғиб қилиш, турли халқаро тадбирлар доирасида минтақанинг маданий ва табиий меросини ўрганишга, ва ниҳоят, халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қилади. Ушбу ташаббусни амалга ошириш доирасида 2018 йилнинг 26 июнида Давлат раҳбарининг ПҚ-3807-сонли Қарори билан Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилди ва қуйидагилар Марказ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди:

- ШХТ мамлакатлари ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашга, цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришга қўмаклашиш;

- ШХТ мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришда, делегацияларнинг ўзаро ташрифларини уюштиришда иштирок этиш;

- ШХТ мамлакатларининг фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари ўртасида дўстона ҳамкорлик муҳитини қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- ШХТ мамлакатлари ўртасида ахборот соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўмаклашиш, ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда ШХТнинг мақсадлари, вазифалари, фаолиятининг устувор йўналишлари ва асосий принципларини кенг тушунтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, ШХТ мамлакатларининг маданий-гуманитар соҳада эришган ютуқлари тўғрисида ахборот-тахлилий материаллар тайёрлаш ва уларни мунтазам чоп этиб бориш;

- ШХТ мамлакатлари ва уларнинг халқларини бир-бирига яқинлаштириш, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик руҳини мустаҳкамлаш мақсадида халқ дипломатияси воситаларидан фойдаланиш.⁹

Ушбу Марказ жуда фаол иш бошлади ва ҳозирда изчил фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, 2018-2023 йиллардаги фаолияти давомида турли йўналишлар бўйича маҳаллий ва хорижий шериклар билан 33та меморандум ва ҳамкорлик

⁹ ПҚ-3807-сонли Қарори // <https://lex.uz/docs/3795314?ONDATE=29.12.2023>

шартномалари имзолаганган, ШХТ халқлари маданияти ҳақидаги билимларни янада чуқурлаштириш, халқлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, маданиятлар хилма-хиллигини сақлашга қаратилган 130 та илмий-амалий семинар, давра суҳбатлари ва бадиий кечалар, 19 та кўргазма, маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан 82 та учрашув ўтказилган, 3 та тўплам, 2 та фотоальбом, 5 та китоб нашр этилиб, 70 дан ортиқ радиоэшиттиришлар ва интервьюлар ташкиллаштирилган.¹⁰

Фикримизча, мазкур Марказнинг таъсис этилиши Ўзбекистоннинг ШХТ билан маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлигида энг муваффақиятли лойиҳалардан бири бўлди. *Биринчидан*, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг мазкур ташаббуси ШХТ доирасида халқ дипломатияси соҳасидаги ҳамкорликнинг сезиларли фаоллашувига ва институционаллашувига муҳим ҳисса қўшди. Масалан, 2021 йил феврида Тожикистонда ШХТнинг дўстлик ва ҳамкорлик Маркази ташкил этилди. Душанбе шаҳрида жойлашган ушбу тузилма худди Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази билан қарийб бир хил мақсад ва вазифаларни ўз олдига қўйган. Бундан ташқари, Қирғизистонда ташкил этилган ШХТ маданий-интеграция ва Буюк ипак йўли маркази, Россиядаги ШХТ Халқ дипломатияси миллий маркази ҳамда Қозоғистондаги Халқ дипломатияси корпоратив жамғармаларининг таъсис ҳужжатларини ўрганиш, уларнинг Ўзбекистондаги марказ модели асосида тузилганлигини кўрсатади. Ҳозирда Беларус ва Покистонда ҳам шу каби ШХТ халқ дипломатияси муассасаларини тузишга бўлган қизиқиш мавжуд.

Иккинчидан, ушбу ташаббус “юмшоқ куч” воситалари орқали Ўзбекистоннинг ШХТдаги имижини янада мустаҳкамланиши ва нуфузининг ошишига хизмат қилмоқда. Бу айниқса мамлакатимизнинг 2021-2022 йиллардаги ташкилотдаги раислиги даврида яққол намоён бўлди. 2022 йил 11-12 май кунлари Тошкентда “Халқ дипломатияси – тараққиёт сари ўзаро ҳамжиҳатлик” шиори остида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг Халқ дипломатияси форуми ўтказилди. Ташкилотга аъзо давлатлар парламентлари, халқаро тузилмалар, нодавлат нотажорат ташкилотлари, шунингдек, илмий-таҳлилий марказлари вакилларидан иборат 120 дан ортиқ хорижий иштирокчилар қатнашган ушбу Форум ШХТ доирасида халқ дипломатияси институтини оммалаштиришга муҳим ҳисса қўшди. Анжуман доирасида спикерлар Ўзбекистоннинг ташкилотда маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини ва ташаббускорлигини алоҳида таъкидлашди.¹¹

Бошқа соҳалар каби, Ўзбекистоннинг ШХТдаги 2021-2022 йиллардаги раислик даврида маданий-гуманитар соҳаларда ташкилотга аъзо мамлакатлар

¹⁰ Халқ дипломатияси маркази: 5 йиллик фаолият сарҳисоби // <https://yuz.uz/news/xalq-diplomatiyasi-markazi-5-yillik-faoliyat-sarhisobi>

¹¹ <https://rus.sectso.org/20220512/836100.html>

Ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Хусусан, бу йўналишда ўнлаб тадбирлар, жумладан, маданият, спорт, туризм, ва соғлиқни сақлаш вазирлари учрашувлари муваффақиятли ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, раислик даврида Ўзбекистон ташаббуси билан 2022 йил давомида ШХТ Туризм форуми, Аёллар форуми, ахборот-технология соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар самарали ва юқори даражада ўтказилди. Табиийки, бу тадбирлар давомида бўлиб ўтган муҳокамалар, мунозаралар ва эришилган келишувлар ташкилотнинг маданий-гуманитар соҳалардаги кун тартибининг сезиларли даражада бойитишга хизмат қилди.

2022 йил 16 сентябр куни бўлиб ўтган Самарқанд саммити якунлари бўйича қабул қилинган ҳужжатлар орасида ҳам маданий-гуманитар соҳаларга тааллуқли Ўзбекистон ташаббуслари ўз ифодасини топди. Булар:

– ШХТга аъзо давлатларнинг узок муддатли яхши кўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома қоидаларини 2023-2027 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс ҳаракатлар режаси;

- ШХТга аъзо давлатлар ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги битим;

- “ШХТ Эзгу ният элчиси”нинг фаолият ваколатлари, функционал вазифалари ва молиявий йўриқлари кўрсатилган Низом;

– ШХТ мамлакатларининг ваколатли органлари ўртасида музей иши соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

– ШХТга аъзо давлатларнинг сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича ҳамкорлиги дастури;

– ШХТга аъзо давлатларнинг тиббиёт ташкилотлари ўртасида юқумли касалликларни профилактика қилиш ва даволаш масалаларида ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”;

– ШХТга аъзо давлатлар ўртасида устувор йўналишлардаги илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳаракатлар режаси (2022-2025 йилларда);

- ШХТ мамлакатларининг телемедицина соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси.

Умуман олганда, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш масалалари Ўзбекистоннинг ШХТ билан ҳамкорлигида муҳим ўрин тутди ва келгусида ҳам устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади. Бу, энг, аввало, мамлакатимиз юритаётган фаол ва очик сиёсатида классик дипломатия билан бир қаторда, ноънанавий – маданий, туризм ва халқ дипломатияси воситаларидан унумли фойдаланишга бўлган саъй-ҳаракатларнинг ҳукумат томонидан фаол қўллаб-қувватланаётгани билан боғлаш мумкин. Бир вақтнинг ўзида, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, зиёлилар, олимлар ва талабаларнинг турли халқаро маданий-гуманитар алоқаларда фаол иштирок

этишлари ҳам ушбу йўналишнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Фикримизча, ШХТга аъзо давлатлар, кузатувчи мулоқот бўйича шерик мақомига эга мамлакатлар ҳисобига кенгайиб бориши улар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга бўлган эҳтиёжини янада кучайтиради. Бу ўз навбатида, Ўзбекистон учун ШХТ доирасида “юмшоқ куч” дипломатиясини янада фаол ва самарали амалга ошириш учун кўшимча имкониятлар яратиб бериши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, глобаллашувнинг янги босқичида истиқболда ШХТ доирасида маданий-гуманитар ҳамкорликнинг аҳамияти янада ортиб боради, деб ҳисоблаймиз. Ташаббускорлиги ва прагматизми билан ажралиб турадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига асос солингандан даврдан бошлаб ҳозирги кунгача аъзо давлатларнинг асосий мақсади узоқ муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга қаратилган. Қарийб ярим чорак ичида ШХТ минтақаси ривожланишидаги эришилган ютуқлар шуни кўрсатдики, аъзо давлатлар томонидан биргаликда илгари сурилган ўзаро ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, маслаҳатлашувлар, турли цивилизацияларга ҳурмат ва умумий ривожланиш истаги каби қадриятлар вақт синовидан ўтди ва жиддий халқаро ўзгаришларга дош бериб, ўзаро ишонч манбаи, ҳаётийлик ва ташкилотни ривожлантириш учун битмас-туганмас ҳаракатлантирувчи кучга айланди.

Шу нуқтаи-назардан, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ШХТ билан “юмшоқ куч” соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари янада устувор аҳамият касб этиб боради.